

Ота - оналар учун уйга вазифа.

**Хурматли ота-она. Сизга “Маърифат” газетасининг
2017 йил 15 мартағи 21-сонида берилган
қуийдаги мақолани уйга вазифа қилиб бермоқдамиз.
Сиздан ушбу мақолани оила аъзоларингиз билан ўқиб
чиқиб, 2017 йил 27 марта куни фарзандингиздан
фикр-мулоҳазаларингиз ёзилган дафтарни бериб
юборишингизни сўраймиз.**

www.sadikov.uz saytidan olindi

ЯНГИ МАЪНАВИЙ-МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАР

**уларга қарши курашишда асосан миллий тарбия
усулларимизга таянишимииз зарур**

Ёшлар онгини заҳарлаш, уларни ўз ғаразли мақсадлари ортидан эргаштиришга интилаётган кимсалар ғоявий-мафкуравий таҳдиднинг турли усулларидан фойдаланмоқдаки, буни кейинги пайтларда ижтимоий тармоқларда пайдо бўлган “Кўк кит” ибораси яна бир карра исботлади. Виртуалликдан реалликка кўчган, яъни тўғридан-тўғри ўсмирнинг ҳаётини хавф остига кўйиб, уни ўз жонига озор етказишга, қалтис вазиятларга ўзини уришга, охир-оқибат жонига қасд қилишгacha ундейдиган бу “ўйин” умуминсоний ва миллий қадриятларга тамоман зид бўлгани туфайли жирканч бир тасаввур уйғотди кишида. Шу боис унинг номини эшилган ота-она борки, фарзандлари тақдирини ўйлаб, охирида «ўт чиқадиган» бундай ўйинлардан уларни ҳимоя қилишга киришмоқда.

Юртимиздаги барча таълим муассасаларида ота-оналар, маҳалла фаоллари, педагоглар ва ўқувчилар билан ўтказилаётган профилактика тадбирларида мутахассислар бу хавфли ўйиннинг мақсад-муддаоси, аянчли оқибати ҳақида батафсил тушунча бермоқда. Ўсмирлар бирма-бир кўздан кечирилиб, уларнинг бу “ўйин” таъсирига тушиб қолмаганлиги, яъни,

сиялар йўқ ҳисоби. Шу боис ота-оналарда, ўқитувчиларда “Болаларимизни “Кўк кит”дан қандай ҳимоя қиласайлик?”, “Ота-оналар бундай хавфлардан доимий равишда огоҳ бўлиши учун тарбиянинг қайси усулларини, қачон, қандай кўллаш керак?” деган ҳақли саволлар туғилмоқда.

Бугун мана шу саволларга ҳар бир ота-онанинг аниқ жавоблари бўлиши керак. Масаланинг мухим-



Ota-onalar majlisi uchun mavzu

танасига кўк кит сурати ёки бошқа шакллар чизилмагани, уяли телефонида унга оид манбаларнинг йўқлиги ўрганилмоқда. Шуниси афсусланарлики, бундай ҳоллар айрим таълим муассасаларида учраб турибди...

Очигини айтиш керакки, ҳозирча бу балога қарши курашиш юзасидан таҳлилий, илмий-услубий тав-

лигидан келиб чиқиб, глобал ахборот оламида тарқалаётган бундай зарарли ўйинлар “моҳияти”, ўсмир ёшлар онгига таъсири ва улардан ҳимояланиш йўллари ҳақида педагогика фанлари доктори, профессор Муҳаммаджон Куронов билан сұхбатлашдик.

